



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI INVESTISIYALAR VA TASHQI SAVDO
VAZIRLIGI HUZURIDAGI O‘ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA
SOLISH AGENTLIGI
QARORI**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 мартдаги 91-сонли қарори билан тасдиқланган, “Минерал ўғитлар хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламенти кучга кириши билан ушбу техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир, ҳамда маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчаш усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

“Минерал ўғитлар хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент (кейинги ўринларда – техник регламент) кучга киритилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 22-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

2022 йилнинг 1 сентябрдан мазкур техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчаш усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Стандартлар институти (А.Хамдамов) мазкур техник регламент билан тартибга солинадиган маҳсулотларга янги стандартлар (барча тоифадаги) қабул қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳар ой якуни билан Техник регламентлар ва стандартлар бўйича дастурларни амалга ошириш бошқармасига киритиб борсин.

3. ТР ва СБДАО бошқармаси (Д.Ходжикариев) тақдим этилган янги стандартларни белгиланган тартибда ушбу қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган, умумий техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхатига киритиб борсин.

4. АКТЖҚ ва РБ (Ф.Усманов) ва ТР ва СБДАО (Д.Ходжикариев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар рўйхатлари Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг расмий веб сайтыга жойлаштирилишини таъминласин.

5. МРЎБЯТБ (А.Додоев) ва “UzTest” ДМ (Ж.Ғаниев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар бўйича сертификатлаштириш идораларини ва синов лабораториялари аккредитация доирасини кенгайтириш чораларини кўрсин.

6. Ахборот-таҳлил, методология ва ижро интизоми бошқармаси (З.Ғафуров) Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тегишли тизим ташкилотларини мазкур қарор билан 2 кунлик муддатда таништирсин.

7. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Бош директорнинг ўринбосари А. Абдуқаюмов зиммасига юклатилсин.

Бош директор

Д. Саттаров



Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлигининг
“ 14 ” 03 2022 йилдаги
ТР-22 – сонли қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2022 йил 1 сентябрдан “Минерал ўғитлар хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламенти билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхати

Т/р	Норматив ҳужжатнинг шартли белгиланиши	Норматив ҳужжатнинг номланиши
1.	ГОСТ 21560.0-82	Удобрения минеральные. Методы отбора и подготовки проб
2.	ГОСТ 29288-92	Удобрения с высоким содержанием азота. Нитрат аммония. Метод определения способности удерживать масло
3.	ГОСТ 33812-2016	Селитра аммиачная и удобрения на её основе. Метод определения содержания горючих органических веществ
4.	ГОСТ 33813-2016	Селитра аммиачная и удобрения на её основе. Метод определения содержания меди
5.	ГОСТ 33831-2016	Селитра аммиачная и удобрения на её основе. Метод определения массовой доли хлоридов
6.	ГОСТ 33832-2016	Селитра аммиачная и удобрения на её основе. Метод определения пористости
7.	ГОСТ EN 1482-1-2013	Удобрения и известковые материалы. Отбор и подготовка проб. Часть 1. Отбор проб
8.	ГОСТ EN 1482-2-2013	Удобрения и известковые материалы. Отбор и подготовка проб. Часть 2. Подготовка проб
9.	ГОСТ EN 15479-2013	Удобрения. Спектрометрическое определение биурета в карбамиде
10.	ГОСТ 32421-2013	Классификация химической продукции, опасность которой обусловлена физико-химическими свойствами. Методы испытаний взрывчатой химической продукции
11.	ГОСТ 32555-2013	Карбамид (мочевина). Фотометрический метод определения содержания биурета
12.	ГОСТ 30182-94	Удобрения минеральные. Общие требования. Отбор проб